IQRO JURNALI / 2023
GUVOHNOMA № 060680
E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

VOLUME 6, ISSUE 1, 2023

УЎТ 633.15

ЎТЛОҚИ БЎЗ ТУПРОҚ ШАРОИТИДА МАККАЖУХОРИ ЎСИМЛИГИНИНГ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА БИОСТУМЛИЯТОРЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Яхёқулова Матлуба Азизалиевна,

Иброхимова Сабохат Ахмадали қизи,

Жўраева Қундузхон Турғунбоевна.

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Аннотация

Асосий экин сифатида экилган маккажухорининг “F-1 дурагайи” ни ўтлоқи бўз тупроқ шароитида етиштирилганда Экогум био, Экосил, Экогум комплекс, Экогум АФ ҳамда Полибор препаратлари биргаликда қўллаш самарадорлиги ўрганилди.

Калит сўзлар

Биопрепаратлар; маккажухори; Экогум био; Экосил; Экогум комплекс; экогум АФ; Полибор; вариант; қайтариқ; қўллаш меъёри ;ҳосилдорлик.

Аннотация

Изучена эффективность совместного применения препаратов Экогум био, Экосил, Экогум комплекс, Экогум АФ и Полибор при выращивании «гибрида F-1» кукурузы, посаженного в качестве основной культуры, в условиях сизой травянистой растительности. земля.

Ключевые слова

Биопрепараты; кукуруза; Экогум био; Экосил; Экогум комплекс; экогум АФ; Полибор; вариант; возвращаться; норма внесения, производительность

Annotation

The effectiveness of the joint use of preparations Eco gum bio, Ecosil, Eco gum complex, Eco gum AF and Polibor in the cultivation of the croon hybrid "F-1", planted as the main crop, in the conditions of a meadow-wetland was studied. soil.

Key words

Biological products; croon; Eco gum bio; Ecosil; Eco gum complex; Eco gum AF; Polybor; option; come back; application standard; fertility.

КИРИШ

Маккажўхори донида 65-70% углеводлар, 9-12% оқсиллар, 4-8% ёғлар, шунингдек минерал тузлар ва витаминлар мавжуд. Маккажўхоридан ун, консерваланган дон (ширин маккажўхори), этил спирти, декстрин, пиво, глюкоза, шакар, сироп, ёрмалар, вино, асал, ёғ, Э витамини, аскорбин ва глутамик кислоталар, маккажўхори таёқчалари, сут ва бошқа кўплаб

VOLUME 6, ISSUE 1, 2023

маҳсулотлар тайёрланади. Маккажўхори соқоли тиббиётда ўт пуфаги, жигар касалликлари учун ишлатилади. Поя, бошоқ ва баргдан қоғоз, линолеум, пластмасса, оғриқ қолдирувчи воситалар ва бошқа маҳсулотлар олинади.

Маккажўхори доналари, яшил массаси, силос ва бошоқлари чорва учун ажойиб озуқа ҳисобланади. Бир кг дон таркибида 1,34 бирлик озуқа моддалари ва 78 г ҳазм бўладиган оқсил мавжуд. Маккажўхори ҳайвонлар учун озуқа тайёрлашда қимматли компонент ҳисобланади.

Сутли мум пишиб етилиш босқичида йиғилган 100 кг силос таркибида 21 озуқа бирлиги ва 1800 гр. ҳазм бўладиган протеин. Худди шу миқдордаги қуруқ поя ва баргларда 37,35 озиқ моддалар мавжуд.

МАВЗУНИНГ ДОЛИЗАРБЛИГИ

Маккажўхори қатор оралиқ экин бўлганлиги сабабли кўпгина қишлоқ хўжалиги экинлари, жумладан, бошоқли дон, пахта ва сабзавот экинлари учун яхши ўтмишдош ҳисобланади.

Шуни инобатга олиб, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институтини қошидаги “Ахборот маслахат маркази ДУК нинг суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида асосий экин сифатида экиладиган маккажўхорини ўсиши, ривожланиши, шаклланиши ва ҳосилдорлигига биостимуляторларнинг таъсирини ўргандик.

1-жадвал

ТАЖРИБА СХЕМАСИ.

Вариант лар	Гербицид тури	Гербицид меъёри	Тупроққа микробиоло-гик прпарат-ларни қўллаш		4-5 баргида ўсимликларга 1-ишлов бериш		7-8 баргида ўсимликларга 2-ишлов бериш	
			номи	меъёри	номи	меъёи	номи	Меъёри
1	Зеллек	1 л/га	Эко-гум био	3 л/га	Ишлов берилмаган назорат		Ишлов берилмаган назорат	
IV					Экосил	50 мг/га	Экосил	100 мг/га
					Экогм АФ	1,0 л/га	Экогум комп-лекс	2,0 л/га
					Поли-бор	0,5 л/га	Экогум ФК	1,0 л/га
							Полибор	1,0 л/га

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Андижон вилоятининг ўтлоқи ботқоқ тупроқ шароитида маккажухори уруғининг униб чиқиши одатдагидан кеччроқ чиқар экан. 31.05.2022 йилда экилган уруғнинг бошланғич униб чиқиши 8-кундан бошланиб, 17-куни тўла униб чиққанлиги аниқланди. 1-ишлов берилгандан кейин назорат вариантига нисбатан поянинг баландлиги1,4 см га, барглар сони 1,6 донага кўпайди.

VOLUME 6, ISSUE 1, 2023

2-жадвал

Маккажухорининг униб чиқиши ва фенологик кузатувлар

60 х20 х 1 схемада экилди.

Вариан-тлар	униб чиқиши		01.05.2023 й. (фенологик кузатув.)	
	бошланиши	тугаши	поянинг баландлги, см	барглар сони, дона
I	23.04.2023 йил	28.04.2023 йил	17,1	4,4
IV	23.04.2023 йил	28.04.2023 йил	17,7	4,7

3-жадвал

ҚЎЛЛАНИЛГАН БИОПРЕПАРАТЛАРНИНГ МАККАЖУХОРИ ЎСИМЛИГИНИНГ ЎСИШИ,РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ.

Вари-ант-лар	01.06.2023 йил		01.07.2023 йил			01.08.2023 йил		
	Ўсимлик-нинг бўйи	Барг сони	Ўсим-лик-нинг бўйи	Барг сони	Сўта чиқар-ган барг сони	Ўсим-лик-нинг бўйи	Сўта сони	Сўта узун-лиги
I	37,1	6,5	167,2	12,2	5-6	189,2	1,3	25,3
IV	52,5	10,8	182,6	13,8	5-6	195,1	1,9	28,6

Тажрибада фенологик кузатувлар натижаларига кўра назорат вариантига нисбатан ўсимликнинг бўйи деярли ўзгармаган, сўталар сони 0,6 донага, сўта узунлиги эса 3,3 см га ошганлиги кузатилди.

ХУЛОСА

Кунгабоқар билан дала тажрибалари асосида қуйидаги дастлабки хулосаларни чиқариш мумкин:

–Беларус Республикасидаги “Белуниверсал Продуст” корхонасида ишлаб чиқарилаётган биологик маҳсулотлардан минерал ўғитлар билан биргаликда фойдаланиш тупроқдаги озуқавий моддалар миқдорига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Тупроқдаги ҳаракатчан озиқ моддаларнинг кўпайиши маккажухорининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилини олиш учун имконият яратади.

VOLUME 6, ISSUE 1, 2023

–Дастлабки натижаларга асосланиб, маккажухори етиштиришда Экосил, Экогум АФ, Экогум комплекс ва Полибор препаратларини биргаликда қўллаш яхши самара беради, деб ҳисоблаймиз.

Адабиёт:

1.П.П.Вавилов ва бошқалар. “Ўсимликшунослик” М.Колос 1986. 547 б.
2. Р.О.Орипов, Н.Х.Халилов “Ўсимликшунослик” Тошкент 2007,.
3.Б.С.Мусаев “Агрокимё” Тошкент.“Шарқ” нашриёти 2001. Б. – 217-284.
4.М.А.Яхёқулова, К.Т.Жураева «Влияние биостимуляторов на рост развитие и урожайность подсолнечника» Вестник Хорезмской Академии Маъмуна нояюрь 2220 г. 277-279 ст.
5.М.Яхёқулова, К.Жураева «Изучение влияния химических препаратов на сорняки хлопчатника» АЭТЕРНА 32-36 ст.

WORDLY
KNOWLEDGE